

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАРГА ФИРМАВИЙ ТЕХНИК СЕРВИС КЎРСАТИШДАГИ МУАММОЛАР

Меликузиев С.М. – магистрант, Аҳмадқулов М. – магистрант, Султонов Р.С. – талаба,
ТИҚХММИ


Аннотация

Мақолада бугинги кунда кузатилаётган техникаларга техник хизмат кўрсатишдаги айрим камчиликлар ва юзага келаётган муаммолар келтирилган бўлиб уларни бартараф этиш чора-тадбирлари келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида замонавий машиналарига фирмавий техник сервис (ФТС) курсатиш тадбирларида машина операторлари, ДУКлар ва Сервис марказларининг кўчма ва кўчмас устахоналари ҳамда диспечерлари, яъни бир нечта ижрочилар катнашадилар Мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг илмий ишлари, мелиорация ва қурилиш машиналарини куп йиллик синаш ва ишлатиш натижалари курсатмокдаки, мураккаб техника воситаларини бутун эксплуатация муддатида ишга ярокли ва соз ҳолда булишини таъминлаш - бу ҳам назарий, ҳам амалий жихатлардан бир хил ечимга эга булмайдиган мураккаб муаммодир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қўшма корхоналарнинг ФТСнинг тезкорлиги ва сифати истеъмолчиларнинг ҳозирги талабларига тўла жавоб бермаяпти. Чунки Сервис марказларининг жойлашиш ўринлари, кўчма устахоналар сони, хизмат кўрсатиш радиуслари каби параметрлар етарлича асосланмаган [1].

Ўзбекистонга импорт орқали олиб келинаётган техникаларга самарали ФТС кўрсатиш тизими эндигина шаклланиб бормокда.



1-график. Виолятлар кесимида эксковаторлар сони.

Ушбу графикда ёрларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда эксковаторларнинг ўрни нечоғлик юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Биргина эксковаторларга сифатли техник хизмат кўрсатиши проворд натижасида эксковаторларни ишончилиги, сақланувчанлиги ва бузилмасдан ишлашини таъминлабгина қолмай ишламай қолиш ҳолатларини олдини олиш мумкин.

Юқорида келтирилган 1-график асосида қуйидаги масалалар ҳал этилиши лозим.

Фирмавий техник сервис тизими (машина ишлаб чиқарувчи - сервис ижрочиси - сервис буюртмачиси) ва унинг умумлашган таркибий ва информацион моделларини ишлаб чиқиш;

Машиналарнинг тасодифий бузилишлари ва уларнинг бузилиш ва бузилмай ишлаш эҳтимолларини статистик жиҳатдан урганиш ва асослаш;

Оммавий фирмали техник сервис кўрсатиш тизимига кираётган талаблар оқимини тавсифлаш ва унинг статистик моделларини ишлаб чиқиш;

Оммавий фирмали техник сервис тизимида носоз машиналарга кўчма устахоналар билан хизмат курсатиш вақтининг математик моделларини тузиш ва унинг сон қийматларини аниқлаш;

Техник сервис кўрсатиш тизимидан чикаётган талаблар оқимини тавсифлаш ва унинг статистик моделларини ишлаб чиқиш;

Бир ва кўп каналли оммавий фирмали техник сервис кўрсатиш тизими ҳолатларининг графлари ва математик моделларини ишлаб чиқиш;

Тизим параметрлари (носоз машиналар юзага келтирган навбатнинг ўртача узунлиги, носоз машинани хизмат курсатилишини кутишга сарфлаган ўртача вақти, носозликка хизмат курсатиш интенсивлиги ва бошқалар) асослаш ва уларнинг статистик моделларини тузиш.

Шундай қилиб, машина ва жихозларнинг жадал эскириши, пухталиқ кўрсаткичларининг камайиши техник хизмат кўрсатиш пунктлари, таъмир- хизмат кўрсатувчи ташкилот (ТХКТ) ларнинг, фирмали дилер марказларининг ва кўп функциялиликни таъминловчи техник сервиснинг роли ва аҳамиятини оширади [2].

Оммавий хизмат кўрсатиш назарияси асосида ишлаб чиқилган носозликларни бартараф этиш математик модели комплекс машина ва жихозларнинг бекор туриб қолиш

коэффициенти қийматларини техник сервиснинг шакли ва ташкил этилиши бўйича баҳолаш имконини беради.

Хулоса

Бундан кўринадики техник хизмат кўрсатиш объектларини инновацион технологиялар билан қайта техник жихозлаш янги техникаларга хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш зарурдир. Бунинг натижасида биз техникаларимизнинг ишончилигини, узоқ вақт ишлашини, сақланувчанлигини тامينлаган бўламиз.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Тошболтаев М, Рустамов Р, Кобилов М. Кишлоқ хужалигида худудий фирмавий техник сервис системаси. «Фан нашриёти» 2007 й. 146 б.
2. Йўлдошев Ш.У. Машиналар ишончилиги ва уларни таъмирлаш асослари. - Тошкент, 1994 й. - 354 б.

Илмий раҳбар:

Т.Усмонов.